**Асрга татигулик йиллар**



# ТАРИХИЙ ҲИНДИСТОН

***Бундан 10 йил муқаддам, 1991 йилнинг 17-19 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг хорижий давлатга илк расмий ташрифи Ҳиндистон Республикасига бўлган эди.***

***Бу ҳақиқатан ҳам, тарихий сафар эди. Ўзбек давлатчилиги тарихида, халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган, асрлар бўйи орзу қилиб келинган оламшумул воқеа эди. Президентимизнинг хорижий давлатга биринчи расмий ташрифи самарали бўлиши мамлакатимиз келажаги тақдири учун ҳам жуда муҳим эди. Ташрифнинг яна бир муҳим томони шунда эдики, шу вақтгача Совет Иттифоқидаги ҳали бирор-бир республика раҳбари юрак ютиб, ўз халқининг номидан хорижга расмий ташриф билан чиқиш у ёқда турсин, бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эди.***

Ҳали кўплар Совет давлатининг мисли кўрилмаган қудратига ишонар, унинг тез кунлар ичида ич-ичидан чириб кетган чинордек қулаб кетишини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Барча янги Иттифоқ Шартномасини имзолашга тайёргарлик кўриш билан банд эди.

Ўша жуда қалтис кунларда узоқни кўра билиб, башорат қила олган, дилидаги холис ниятини рўёбга чиқариш учун дадил ҳаракат бошлаган фақат Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бўлди. Ҳатто, биз журналистлар ҳам бу сўзларни, энди ўша кунлардан 10 йил ўтгандан сўнггина айта олаяпмиз. Ҳақиқатан ҳам, юз бераётган шундай мушкул сиёсий вазиятда, воқеликни донишмандларча кўра била туриб хорижга сафарга чиқишнинг ўзи чинакам жасорат, мардлик эди.

Энди ўша тарихий ташриф тафсилотларига қайтайлик. Чунки, мамлакатимиз раҳбарининг бу илк сафари ҳақида ҳали муфассал ёзилмаган. Бу сафарда мен ҳам иштирок этган, ташрифнинг ҳар бир воқеасини ён дафтарчамга туширишга ҳаракат қилганман. Бугун, катта шодиёна арафасида ана шу тарихий воқеа хаёлимда қайта жонланди.

...Халқимизнинг донишмандлигига қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Сафар ойида сафарга чиққанлар муродига етади, деган нақлнинг нақадар ҳаётийлигига ўзимиз гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошлиқ ҳукумат делегациясининг Ҳиндистонга расмий ташрифи кутилганидан ҳам самарали бўлди. Бу тарихий ташрифнинг энг аҳамиятли томони шунда эдики, Ўзбекистон Президентини Ҳиндистон томони энг нуфузли хорижий давлатнинг тан олинган раҳбари сифатида олий даражада қабул қилди. Сафардаги яна бир воқеа — собиқ Шўро республикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон хорижий давлат билан ҳам иқтисодий, ҳам маданий соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзолади.

Делегация тушган самолёт Тошкентдан Деҳлига бирпасда, яъни икки ярим соатда етиб келди. Палам аэропорти шанба куни бўлишига қарамасдан гавжум эди. Биз ўзбекистонлик журналистлар ва ойнаи жаҳон ходимлари самолётдан биринчи бўлиб қадимий ҳинд диёрига қадам қўйганимизданоқ ажиб бир иликликни ҳис қилдик. Президентимиз Ислом Каримов самолёт пиллапоясидан тушиши биланоқ ўнлаб журналистларнинг қуршовида қолди. Ҳар бир қалам соҳиби ҳали дунёга танилмаган мамлакат Президенти билан яқиндан танишишга интилар, унинг хорижга қилган илк ташрифининг боиси нимадалигини билишни истар, шунинг учун ҳам Юртбошимизга савол устига савол беришарди. Президентимизнинг жавоблари асосли ва лўнда эди.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон матбуоти учун берган баёнотида ўзбек-ҳинд халқларини узоқ йиллардан буён дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб турганлигини алоҳида таъкидлаб, шундай дедилар: «Бизнинг Ҳиндистонга келишимиз, аввало ўзбек халқининг қадимги маърифатга, кўп асрлик тарихга ва жуда бой маданиятга эга бўлган ҳинд халқига улкан эҳтиромининг намоён бўлишини билдиради. Ўзбек халқи ўзининг буюк қўшниси билан янада мустаҳкам алоқалар ўрнатишга интилмоқда. Тарихимиз муштараклиги, маданиятимизнинг яқинлиги, халқларимизнинг кўп асрлик алоқалари шундай мустаҳкам пойдеворки, унда биз Ҳиндистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни қуришимиз мумкин».

Ҳақиқатан ҳам, ўша пайтларда бу сўзларни айтиш у ёқда турсин, хорижда, яна журналистлар ҳузурида бу ҳақда баёнот беришнинг ўзини тасаввур қилиш қийин эди. Ана шундай дадил ва узоқни кўзлаб қилинган ҳаракатлар Йўлбошчимизнинг олиб бораётган қатъий ва изчил сиёсати Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар ўртасидаги обрўсини оширди.

У Ўзбекистоннинг манфаатдор томонлар билан тенг ҳуқуқли дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига интилаётганини таъкидлаб, унинг Ҳиндистонга ҳозирги ташрифи, шу давлат раҳбарлари, шунингдек, жамоатчилик ва савдо-саноат доиралари вакиллари билан бўлажак учрашувлар икки мамлакат ўртасида сифат жиҳатдан янги муносабатларни ўрнатишга янги омил бўлиб хизмат қилади, деб умид билдирди.

Шу куннинг ўзидаёқ олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди. Илк бора шундай олий даражадаги учрашувларда, суҳбатларда қатнашишдек шарафга муяссар бўлдик. Ўзимизни хорижда ишлаётган журналистлардек эркин ҳис қилдик. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ҳиндистон Бош вазири П. В. Нарасимха Рао ва вице-президент Шанкар Дайал Шарма билан учрашиб суҳбатлашгани муҳим воқеа бўлди. Самимий дўстона вазиятда ўтган учрашувлар чоғида томонлар, жумладан, Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида ҳар томонлама алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш кераклигини алоҳида таъкидладилар. Икки халқнинг дўстлик ришталари, азалий тарихий ва маданий муштараклиги, ўзаро муносабатлари илдизлари қадим-қадимларга бориб тақалиши, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида сифат жиҳатдан янги муносабатлар ўрнатилиши катта аҳамиятга эга эканлиги бу ерда бир неча бор тилга олинди.

Илк ташриф чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистон раҳбарлари икки муҳим ҳужжат: иқтисодий, савдо ва илмий-техника ҳамкорлигига доир битимга, шунингдек, маданият, санъат, таълим, илм-фан, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик юзасидан битимга имзо чекдилар.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги энг муҳим соҳалар бўйича имзоланган ана шу иккита тарихий битимнинг яна бир ўзига хос томони шунда эдики, улар ҳинд, инглиз, рус тили билан биргаликда биринчи марта ўзбек тилида ҳам ёзилди.

— Халқаро ҳужжатларнинг ўзбек тилида ифодаланиши асрларга тенг тарихий воқеадир, — деган эди, ўша учрашувлар иштирокчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров. Бундай унутилмас, улуғ кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шундай қутлуғ кунларга мушарраф бўлиш, уни рўёбга чиқариш учун халқимизнинг ўнлаб, юзлаб энг асл фарзандлари жон фидо қилдилар. Оллоҳга шукурлар бўлсинки, олий мақсадни амалга ошириш фақат Ислом Каримовдек улуғ инсонга насиб этди. Бу ташрифда иштирок этиш биз учун ҳам катта бахтдир.

Ҳинд халқининг асл фарзандлари хотирасини эслаш ҳам қарз, ҳам фарз эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошлиқ делегация аъзолари Деҳлининг энг муқаддас жойларига ташриф буюришди. Дастлаб Ҳиндистон халқи миллий-озодлик ҳаракати раҳбари Махатма Ганди тани оловга топширилган жой «Гажвхат»да бўлишди ва ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди. Хотира китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдиришди: ***«Ҳинд халқининг буюк фарзанди, Ҳиндистон озодлиги учун кураш раҳбари Махатма Ганди хотирасига самимий ҳурмат билан***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ»**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳиндистон мустақиллиги учун толмас курашчи ва шу мамлакатнинг биринчи Бош вазири бўлган Жавоҳарлаъл Неру хотирасини ҳам эсга олиб гулчамбар қўйди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилганди: ***«Ҳинд халқининг буюк фарзанди Ж. Неруга»***

Ислом Каримов делегация аъзолари билан бирга ана шу буюк сиймолар ишининг изчил давомчиси, тарихда тинчликни сақлаш учун толмас курашчилардан бири, ўзбек халқининг чинакам дўсти, террорчилар томонидан уюштирилган суиқасд натижасида ҳалок бўлган Ражив Ганди танаси оловда куйдирилган «Шактист-ҳал»да ҳам бўлиб, гулчамбарлар қўйди.

Биз ҳар бир учрашувга Деҳлининг гавжум кўчаларидан ўтиб борар эканмиз, Ҳиндистоннинг қадимий ва навқирон пойтахти билан иложи борича яқиндан танишишга ҳаракат қилардик. Ҳар қадамда буюк юртдошимиз Бобурийлар сулоласи қолдирган бебаҳо меъморчилик кошоналарига дуч келасиз ва унинг кўрк-жамолига маҳлиё бўласиз. Қуёш зиёсидан ғиштинлари мисдек қизиган қадимий қалъалар, мақбаралар, масжидлар ва саройларни шаҳарнинг барча ҳудудида учратиш мумкин. Ҳумоюн, Акбар, Шоҳжаҳон... Қадимий номлар узоқ ўтмиш даврларни эсга солади.

Деҳлида кўпмиллатли аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда турли табақада бўлган деҳлиликлар яшайдилар. Бойлар билан камбағаллар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Шаҳарнинг ҳаёт мароми турли даврларга боғлиқ. Шаҳар равнақи XVII асрда ҳукмронлик қилган Султон Шоҳжаҳон салтанати билан узвий алоқаси бор. Тенгсиз меъморчилик обидаси Қизил Форт ва улуғвор Жомеъ Масжиди ҳар бир кишининг эътиборини ўзига тортади. Деҳли шаҳрининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, XVI асрда муқаддас қабр устида барпо этилган мақбара қандай бунёд этилган бўлса, ҳозир ҳам ўз ҳолатини ана шундайлигича сақлаб турибди. Ҳиндлар тарихий биноларни кўз қорачиғидек сақлашни, дунёга кўз-кўз қилишни биладилар.

Шаҳарнинг барча ажойиб обидаларини санаб ўтиш қийин. Улар ғоятда кўп ва ранг-баранг...

Деҳлидаги Президент саройи ҳам миллий услубда барпо этилган энг гўзал, тарихий ва ноёб меъморчилик обидаларидан бири. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Ҳиндистон Президенти Р. Венкатараман ўртасида дўстона суҳбат бўлди. Суҳбатда икки томонлама бир битимга келинган иқтисодий ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилди.

Суҳбат сўнгида И. А. Каримов Ҳиндистон Президентига миллий зарбоф тўн ва қийиқча, дўппи совға қилди.

Ҳиндистон вице-Президенти Шанкар Дайал Шарма бу ерга расмий ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига катта зиёфат берди.

Зиёфатда Дайал Шарма нутқ сўзлади:

— Президент Каримов кўзга кўринган сиёсий раҳбарлардан бири бўлиш билан бир қаторда таниқли иқтисодчи ва муҳандис сифатида яхши таниш, — деди вице-президент. — У Ҳиндистоннинг дўсти. Биз унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида ўзининг биринчи расмий чет эл сафарини Ҳиндистондан бошлашга қилган қарорини юксак баҳолаймиз. Ўзбекистон деганимизда бутун Ўрта Осиё халқларининг Ҳиндистон билан кўп асрлик тарихий, маданий ва иқтисодий алоқалари намоён бўлади. Яқинда ўтказилган археологик қазилмалар шуни кўрсатдики, қадим замонларда ва ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқларининг турмуш тарзи умумийлик билан суғорилган.

— Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги адабий ва маданий алоқалар, — деди Шарма сўзида давом этиб, — Ўрта асрларда янада ҳам кучайган. Ҳиндистонда мўғуллар сулоласи деб номланган сулолага Ўзбекистоннинг Фарғона водийсидан келган Бобур асос солган. У ўзининг ўлмас асари «Бобурнома»да Ўрта Осиё ва Ҳиндистоннинг иқтисодий ҳаёти, анъаналари ва тарихини чуқур ёритиб беради. Мўғуллар даврида Ҳиндистонда ёзилган тарихий асарларда Ўрта Осиё тарихи мактабининг таъсири ва анъаналари кўриниб туради...

Расмий ташриф чоғида Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан яхшилаш, бунинг учун кўплаб қўшма корхоналар ташкил этиш, ишбилармонларни, бизнесменларни жалб қилишга жиддий эътибор берилди. Ҳиндистон савдо-саноат доираларининг намояндалари билан суҳбатлар, дўстлик жамияти вакиллари билан учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Деҳлида бўлган уч кунлик ташрифи иккинчи кунининг асосий дастури бўлди.

Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерациясида ҳамда бу ерда ўтказилган муфассал суҳбат чоғида томонлар Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида тузилган битимларни амалга ошириш йўллари ва усулларини муҳокама қилдилар. Битимларда барқарор ва узоқ муддатли иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорликка кўмаклашиш ҳамда уни ривожлантиришга доир тадбирлар мажмуи режалаштирилди.

Ўзбекистон раҳбари Деҳли яқинидаги иқтисодий шаҳарча — «Нойда» эркин экспорт-ишлаб чиқариш минтақасига борди. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бу эркин иқтисодий минтақада 4 мингтадан кўпроқ турли-туман ўрта ва кичик корхоналар ишлаб турганлигини билиб олдик. Бу бутун Осиёдаги энг йирик иқтисодий мажмуадир. Ўзбекистон Президенти «Нойда»даги қатор корхоналар фаолиятини кўрди, маъмурият вакиллари, ишчилар билан суҳбатлашди, кўргазмага қўйилган енгил саноат моллари ҳамда замонавий тиббиёт дори-дармонлари билан танишди.

Меҳмонга «Нойда» ҳақида муфассал ҳикоя қилувчи видеофильмни совға қилишди.

Биз бир гуруҳ ҳинд ва ўзбекистонлик журналистлар И.А.Каримовнинг марҳум Ражив Ганди хонадонига бориши ҳақидаги хабарни эшитиб, зудлик билан ўша ёққа қараб йўл олдик. Атрофи чорбоғ билан ўралган бу хонадоннинг кўриниши жиҳатидан атрофидаги уйлардан ҳеч фарқи йўқ эди. Фақат ҳаммаёқда қуролли соқчилар. Ҳар қадамда текширишгани-текширишган. Ганди оиласининг душманлари ҳамон ўч олишни давом эттирамиз, деб пинҳоний миш-мишларни тарқатиб юришган экан.

Ҳиндистон миллий Конгресси партиясининг таниқли намоёндалари Сони Гандидан Раживнинг сиёсий йўлини давом эттиришни, ҳатто энг бош лавозимга сайланишга розилик беришни илтимос қилдилар. У бу илтимосларни рад этди. (Кейинчалик у бу фикридан қайтди. Сиёсий майдонга чиқди, сайловларда иштирок этди. Ж.Р.) Ўғли ҳам розилик бермади. Аммо қизи Приянка кейинги пайтда отасининг ишини давом эттиришга сўз берди. У чиндан ҳам отаси ва бувиси Индира Гандига жуда ўхшайди. Ҳатто фикрлаш қобилияти, характерида ҳам жуда яқинлик бор, дейишади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири, фожиали ҳалок бўлган Ражив Ганди хонадонига ташриф буюрди ва унинг рафиқаси Сони Гандига таъзия изҳор қилди.

— Ўзбек халқининг дўсти бўлган Ражив Гандининг порлоқ хотираси ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди, — деди Ўзбекистон Президенти. — У ҳинд халқи учун қандай қадрли бўлган бўлса, биз учун ҳам шундай қадрлидир.

Ислом Каримов дўстлик жамиятлари фаоллари ҳузурида ҳам нутқ сўзлади. Сўнгра ўзбекистонлик санъат усталари катта концерт беришди. Йиғилганлар ўзбек санъаткорларининг сеҳрли қўшиқларини берилиб тингладилар ва ёш раққосаларнинг жозибали ўйинларини қарсаклар билан олқишладилар.

Ҳинд халқи — санъатсевар халқ. Ана шуни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ҳиндистон ҳукуматига Ўзбекистон

## Почта:

# ИНТЕРНЕТ — ҲАММА УЧУН

Ҳа, яқин келажакда шундай бўлади. Аммо ҳозирча Интернет ҳамма учун ёки ҳеч бўлмаганда кўпчилик учун маълум ва тушунарли бўлиб қолди, дея олмаймиз. Сабаби — илм ва маданият даражаси анча юксалган бизнинг жамиятимизда ҳам Интернет билан алоқа боғланмаган. Қувонарлиси, у кундалик ҳаётимиз ва иш фаолиятимизга фаоллик билан кириб келмоқда.

Куч — ахборотда, дейишади. Эндиликда ким ахборотга эга бўлса, ўша дунёни ҳам бошқаради. Интернет эса энг самарали, тезкор, аниқ ва мослашувчан тармоқки, у ҳеч қандай ҳукумат қарори ёки халқаро мажбуриятларсиз бутун жаҳонга кенг ёйилди. Ва Интернет ахборот тарқатиш борасида шундай мустаҳкам мавқени эгалладики, бугун у билан фақат энг янги, энг инқилобий, энг замонавий лойиҳа ва фавқулодда яратилмаларгина тенглаша олиши мумкин.

Шу сабабли, Ўзбекистонда Интернет тармоғини самарали ривожлантириш ва фойдаланишни кафолатлайдиган чора-тадбирлар давлат ва ҳукумат миқёсида амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 майдаги «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологиясини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, Интернет халқаро ахборот тизимига кенг кўламда киришни таъминлаш тўғрисида»ги қарори айни шу мақсадга қаратилган.

Интернет тармоғи ахборотларни узатиш ва фойдаланувчиларга етказиб беришга хизмат қилади. Фойдаланувчилар компьютерлар ёрдамида ўз ахборотларини жўнатадилар ва шу тармоқнинг бошқа иштирокчиларидан хабарларни қабул қилиб оладилар. Радиоэфирнинг чексиз имкониятлари, компьютер, техника ва технологияларни эгаллаб олган одамларни ўзаро боғлаган сон-саноқсиз алоқа линиялари ва каналлари бу тармоқнинг асосини ташкил этади. Ишни уюштириш ва фойдаланиш билан провайдерлар шуғулланади. Қолганлари эса дастурга, маълумотлар банкига, қолаверса, улардан фойдаланишнинг уддасидан чиқа оладиган ва бунга иштиёқи бўлган одамларга боғлиқ.

Негаки, бу тармоққа ҳеч ким раҳбарлик қилмайди ва бошқармайди, ҳатто хабарлар оқимини назорат қилмайди. Бироқ провайдерларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласи муайян жойларда, бутун Ер юзи бўйича тартибга солиб борилади.

UzPAK давлат корхонаси Ўзбекистонда маълумотларни узатиш тармоғининг миллий оператори ҳисобланади. Республикамиздаги бошқа алоқа корхоналари ҳам Интернет хизматини фаол ривожлантириш ниятидалар. Хусусан, мустақиллик йилларида салмоқли техник воситалар ресурсига эга бўлган Почта ва телекоммуникация агентлиги мамлакатимиз иқтисодиётида ана шу салоҳиятдан янада самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Маълумки, почта, яъни алоқанинг қўшимча тармоғи шаҳар ва қишлоқларда жойлашган улкан стационар корхоналар тизимига эга. Бу тизимда юқори малакали ходимлар фаолият кўрсатмоқдалар. Бироқ ҳозир почта хизмати бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шу боис мазкур корхоналарда банк хизмати кўрсатиш бўйича Бутунжаҳон почта уюшмаси томонидан қўллаб-қувватланган лойиҳани амалга ошириш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар бошлаб юборилди. Айниқса, янги дастур — Интернет хизмати кўрсатиш улар учун жуда мос ва қулай. Бозор иқтисодиёти шароити ҳам провайдерлар хизматини шу тармоққа ҳамда телекоммуникациянинг янги соҳаларига йўналтиришни тақозо этмоқда.

Савол туғилиши мумкин: агар тадбиркор ва бизнесменлар, умуман, ишбилармон доиралар вакиллари телекоммуникациянинг янги технологиялари, электрон техника, шу жумладан, Интернетнинг имкониятлари хусусида аниқ тасаввурга эга бўлмасалар, нима қилишлари керак? Бунинг ҳам йўли топилди. «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси, мавжуд почта корхоналарини компьютерлар билан жиҳозлаш, уларни Интернет тармоғига улаш учун зарур қурилмалар билан бутлашга киришилди. Илгари ишлаб чиқариш-хўжалик мақсадлари ва ноанъанавий хизмат кўратиш мақсадида фойдаланиб келинган 370 та компьютер почтада Интернет хизматини ривожлантириш тадбирларини амалга ошираётган мутахассисларга берилди. Бундан ташқари, Бутунжаҳон почта уюшмасидан Интернет хизмати кўрсатиш учун 20 комплект замонавий компьютер техникаси ускуналарига грант олинди. Иккитаси Тошкентда — Почтамп ва 100-алоқа бўлимида, биттаси Халқаро почтамтда ўрнатилди. Қолганлари эса барча вилоят марказлари ва Нукус шаҳрига жўнатилди.

Шундай қилиб, бугунга қадар почта тармоғида 12 та компьютер Интернетга уланди. Почтачилар салоҳиятини мижозлар — бизнесмен, ишбилармон ва турли тоифадаги раҳбарларни ушбу янгилик ва унинг имкониятлари билан танишишга таклиф этдилар. Бу кутилган самарани берди. Кўпчилик ўзининг электрон почта қутисини очди ва Бутунжаҳон тармоғининг абоненти бўлди. Энди улар ўз ахборотларини мунтазам равишда жўнатмоқдалар ва жавоб хабарларини олмоқдалар. Шу тариқа жонли ахборот алмашуви давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, почта қутилари бўш қолмаяпти. Почта залларидаги компьютерлардан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Натижада ходимлар янги хизмат туридан қўшимча даромад олмоқдалар, бандлик муаммосини ҳал қилмоқдалар. Айниқса, почтанинг нуфузи ошганлигини айтмайсизми! Гап шундаки, барча хоҳловчилар учун фақат почтадагина ушбу тармоқ хизмати кўрсатилмоқда. Хизмат тарифлари ҳам анча арзон. Хат ва шошилинчномаларни жўнатиш ва топшириш учун эса саноқли дақиқалар кифоя қилади. Чунки «Тошкент почтамти» акциядорлик жамияти томонидан сотиб олинган 25 та компьютер шаҳардаги алоқа бўлимларида ишлаб турибди.

Яқинда эса яна 70 та компьютер харид қилинди. Ҳозир улар модем ва принтерлар билан бутланмоқда ва Интернетга улаш учун тайёрланмоқда. Урганч, Андижон, Наманган, Жиззах ва Термиз шаҳарларидаги почтачилар бу иш билан жиддий шуғулланмоқдалар. Бухоро, Нукус, Фарғона ва Қарши шаҳарларида Интернетга уланиш муаммолари ҳал этилмоқда. Самарқанд ва Гулистонда эса яқин кунларда компьютерлар ишга тушириладди.

Айни чоғда алоқачилар бундай тармоқни барпо этиш, янги хизмат турларини жорий қилиш билан бирга, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, ҳатто ширкат хўжаликлари раҳбарларини уларга жалб қилмоқдалар. Олий ўқув юртлари, коллеж ва мактабларни ҳам Интернетга улаш ҳақида қайғурилмоқда. Почта ходимлари томонидан Интернет-хизмат, Интернет-фестивал, Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига атаб эса Интернет-анжуман ташкил этилмоқда.

Байрамгача лойиҳада назарда тутилган ишларнинг анча қисми бажарилади, кўпгина шаҳарлардаги почталарда янги хизмат турлари пайдо бўлади. Кейинчалик ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилади. Бунинг учун молия манбаалари изланмоқда, ссуда ва кредитлар олинмоқда, техникалар харид қилинаяпти. Ушбу тадбирлар синов лойиҳаси сифатида амалга оширилмоқда. Ана шу тажриба натижаларидан келиб чиққан ҳолда, стратегик қарорлар қабул қилинади. Бироқ ҳозирданоқ аён бўлаяптики, ушбу жараённи тўхтатиш мумкин эмас, уни яна кенгайтириш ва жадаллаштириш лозим. Ҳозир Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияси жамоалари айнан ушбу юмушлар билан шуғулланмоқдалар.

Қисқаси, мамлакатимиз алоқачиларининг ташаббуси ва қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли «Почтанинг Интернет хизмати — ҳаммага!» шиори амалда рўёбга чиқмоқда. Бундан буён одамлар почтага фақат хат, посилка, бандерол олиш ва жўнатиш, пенсия ва нафақа олиш учунгина эмас, балки компьютерлардан фойдаланиш, Интернетнинг тўла хизмат мажмуидан баҳраманд бўлиш учун келадилар. Ушбу улкан халқаро ахборотлар тармоғининг тараққиёти эса мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, жамиятнинг гуллаб-яшнаши ва халқ турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омиллардан бири бўлажак.

t

# Юртни куйлаш — олий бахт

Нима десангиз дееверинг, лекин дунёда энг ёқимли, энг меҳрли, энг роҳатбахш, ҳатто кўз мижжаларига ёш қалқитувчи қўшиқ — ғурур ва ифтихор ила айтиладиган она юрт ҳақидаги қўшиқлардир. Буни кеча муҳташам «Туркистон» саройида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқ байрами танловининг якуний босқичи исботлади. Чинакам санъат байрамига айланган танловда туман, вилоят босқичларидан ўтган олий ўқув юртлари, маданият уйи иштирокчилари, турли вилоятлар ашула ва рақс дасталари, республика Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими вазирликлари тизимидаги гуруҳларнинг чиқишларида таърифи элда достон Ватанимиз, Шарқнинг кўксида порлаган қуёш — Ўзбекистон, эзгуликнинг карвони Истиқлол ҳақида мадҳиялар янгради.

Аллома шоир Ғафур Ғулом шеъри билан айтилган «Ватандир бу» қўшиғи билан бошланган танлов Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев шеърига басталанган «Баркамол авлод қўшиғи» билан якунланганда, назаримизда, ҳайъат аъзолари ҳам ғолибларни саралашга иккиланиб қолишди.

— Қаранг, қандай ажойиб чиқишлар бўлди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, танлов ҳайъати раиси Муножотхон Йўлчиева. — Қатнашчиларнинг ҳар бирини ғолиб деб эълон қилгинг келади. Иштирокчиларнинг ижроси, шеърлар, мусиқаларнинг танланиши, кийим-бошларидан тортиб, саҳна маданиятигача — барини назаримда катта меҳнат маҳсули дейиш мумкин. Нима бўлганда ҳам киндик қонинг тўкилган юртингни, она диёрингни мадҳ этиш бу олий бахт. Шундай бахт бу кунги иштирокчиларга насиб айлаганидан улар учун мен бахтиёрман.

Республика маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров таъкидлаганидек, мазкур танлов янги куй-қўшиқларнинг кашф этилиши, ўзбек санъатининг жаҳон миқёсига олиб чиқилишининг пойдевори бўла олади, дейиш мумкин.

Совриндорлар бугун тақдирланади.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президентининг матбуот хизмати**
**Почта ва Телекоммуникация агентлиги**
**Маданият ишлари вазирлиги**
**Фан ва техника давлат қўмитаси**
**Ўзтелерадиокомпания**
**Тошкент шаҳар ҳокимияти**
**БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси**
**«UzPAK» миллий интернат-компанияси**
**«eSezam com» интернет портали**

ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган Интернет форумни ўтказишлари ҳақида хабар беришади. «Интелектуал салоҳият мамлакатимиз бойлиги» шиори остида ўтказиладиган интернет ахборот манбааларининг ўзига хос мусобақаси бўлиб ўтади.

**Иштирокчилар олдига қўйиладиган асосий шарт:**

Мамлакатимиз тарихи, бугунги куни, ўзбек халқи эришган ютуқлари, Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ маълумотни Интернет манбааси тармоғи орқали тарғиб этиш.

Интернет-форум жорий йилнинг сентябр ойида ўтказилиб, унда Ўзбекистон Республикаси ҳаётига оид яратилган энг яхши интернет манбааси муаллифларининг тантанали равишда тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

**Интернет-форум ҳақидаги батафсил маълумотни сиз Интернет-форум ташкилий қўмитасининг 114-63-34 телефони орқали ёки Интернет-форумнинг www.UzPAK.Uz серверидаги вэб-саҳифаси орқали билиб олишингиз мумкин.**

**Интернет — келажак сари интилувчи технология!**

